## ЁДДА ТУТИНГ! ЭСЛАТМА!!!

**Табиий газдан фойдаланишда қоидаларга риоя этмаслик авария ва бахтсиз ходисаларга сабаб бўлади.**

**ҚАТЪИЙЯН ТАҚИҚЛАНАДИ!!!**

- Корхонада газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича буйруқ билан бириктирилган жавобгар шахслардан бошқа ишчи ходимларнинг газ ускуналарини бошқариши, фойдаланиши;
- Қозонхона ва газ ускуналари ўрнатилган хоналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, дам олиш ва ухлаш мақсадларида фойдаланиш;
- Газда ишлайдиган қурилмаларини ўзбошимчалик билан газ тармоқларига улаш, жойини ўзгартириш, алмаштириш ва таъмирлаш;
- Газда ишлайдиган қурилмалар ўрнатилган биноларни меъёрий шартларга тўғри келмаган ҳолда қайта режалаштириш;
- Газда ишлайдиган қурилма, тутун ва вентиляция (шамоллатиш) тизимлар конструкциясига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, вентиляция (шамоллатиш) каналларини тўсиб қўйиш, мўриларни тозалаш учун мўлжалланган “карман” ва люкларни беркитиб ташлаш;
- Ёпиқ ойналар (форточка), жалюзали панжаралар, вентиляция (шамоллатиш) каналлари панжаралари ёпиқ бўлганда, ванна ва ошхона эшиклари остида тешиклар ҳамда мўри ва вентиляция (шамоллатиш) каналларида тортиш кучи(тяга) йўқлигида газ қурилмаларидан фойдаланиш;
- Мўри ва вентиляция каналларини текширилганлиги ҳамда созлиги тўғрисидаги далолатномалар мавжуд бўлмаганда газдан фойдаланиш;
- Хавфсизлик ва бошқариш автоматикасини ўзбошимчалик билан ўчириш, газ жихозлари, автоматика ва қурилма носоз бўлганда улардан фойдаланиш;
- Ишлаб турган газ қурилмаларини қаровсиз қолдириш, назоратсиз қолдириш;
- Носоз газ ускуна ва жиҳозларини ўзбошимчалик билан таъмирлаш;
- Табиий газ бор ёки йўқлигини билиш учун олов ёқиб текшириш (*одатда бу мақсадларда совунли эмульсия ёки махсус қурилмалардан фойдаланиш лозим*);

**ДИҚҚАТ!**

**Бинода (хонада) газ ҳиди пайдо бўлганда, дарҳол газ қурилмаларининг жўмракларини беркитиб, дераза ва эшикларни очиш, елвизак (шамоллатиш) ҳосил қилиш ва телефон орқали 104 авария хизматини чақириш зарур. Олов ёқмаслик, чекмаслик, электр ёритиш асбоблари ва электр қурилмаларини ёқмаслик, электр қўнғироқлардан фойдаланмаслик, газланган ҳудуддан одамларни ташқарига чиқариш керак.**

**Газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик инсон ҳаёти учун ХАВФЛИ бўлиши мумкин!**
**Нафақат яқинларингиз ҳаёти ва мулки олдида, балки бошқа фуқаролар олдидаги ўз шахсий жавобгарлигингизни УНУТМАНГ!!!**

**ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!**

**Бир нусхасини олдим.**

**имзо______________ 2022 йил “____” _________**

ЖИБ вилоят

HUDUDGAZTA'MINOT
HGT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

213 052 165

# ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

**№ 5-21/837**

**Навоий 2022 йил**